

## ЁШЛАРИМИЗНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тешабоев Алиходжа Ибрагимович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118580>

**Аннотация.** Мазкур мақолада ёшларимизни мањнавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашининг хуқуқий асослари таҳлил этилган. Шунингдек ёшларимиз ўртасида учраётган заарали одатлар ҳақида қисқача тўхталиб, ушибу холатларни олдини олии бўйича тавсиялар келтирилган.

**Калим сўзлар:** тарбия, мањнавий-ахлоқий тарбия, узлуксиз мањнавий трбия, ёшлар тарбияси, концепция, ибрат дарслари, таргигботчи.

## ПРАВОВАЯ ОСНОВА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НАШЕЙ МОЛОДЕЖИ

**Аннотация:** В этой статье анализированы правовые основы совершенствования морально – просветительского воспитания молодёжи. Вместе с тем речьидет о вредных привычках, которые встречаются среди молодёжи и даны рекомендации путях их решения.

**Ключевые слова:** воспитание, идеино-воспитательная работа, бесперерывная идеиное воспитание, воспитание молоежи, концепция, уроки назидательные.

## THE LEGAL FOUNDATIONS FOR IMPROVING THE MARAL AND EDUCATIONAL EDUCATION OF YOUNG PEOPLE

**Abstract.** In that article, the legal foundations for improving the moral and educational education of young people are analyzed. At the same time, we are talking about harmful habits that are found among young people and recommendations are given on nays to solve them.

**Keywords:** education, spiritual and moral education, youth education, concept, lesson plan, propagandist.

### КИРИШ

Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимиз ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиган экан, бунинг негизида келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларни, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун қаратилган турли хил ёт ғоялар мафкуралар ва тажовузлардан асраб қолиш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масалага хақиқатдан ҳам ҳаёт – мамот масаласига айланиб бормоқда” [2]

Ўзга миллатларнинг мањнавий қадриятлари қанчалик таъсир кўрсатмасин, катталарга, ота-онага ҳурмат, камтарлик, ҳалоллик, иймонлилик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик каби миллий мањнавий ҳислатларимиз барқарордир. Чунки бу мањнавий ҳислатлар қон-қонимизга сингиб кетган. Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарму-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги мањнавий қадриятларига зид бўлган “оммовий маданият” ёшлар мањнавиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Мамлакатимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мувофақияти кўп жихатдан педагог кадрларнинг илмий салоҳияти, савиясига, фидоийлигига, ёш авлодга таълим бериш ва баркамол инсон

даражасида тарбиялаб, вояга етказишга бўлган шижаатига боғлиқ. Ҳар қандай таблим муассасасида тарбиявий жараён бевосита ўқитвчилар томонидан ташкил қилинади ва олиб борилади.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги айрим ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбияси анчайин ўзгариб кетган. Ҳозиргиги замонавий таълимнинг вазифаси миллий маънавий-ахлоқий, мафкуравий ва таълимий жиҳатдан ўқувчиларни хар томонлама ривожлантириш масаласи билан боғлиқдир. Халқаро таълим андозаларига мосликнинг таъминланиши таълим мазмунига ғоявий-мафкуравий, маънавий-маърифий жиҳатлар ҳам киритилишини талаб қиласди. Сир эамски айрим ўқувчи ёшларимиз томонидан интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш маданиятини билмаганликлари оқибатида билиб-бilmай турли хилдаги диний экстремистик оқимлар домига тушиб қолаётгани, интернет тармоғидаги турли хилдаги миллий минталитетимизга ёт бўлган ўйинларни ўйнаши, тамаки, спиртли ичимликлар ва инсонни сархушт қиладиган психотроп моддаларни истеъмол қилиб, бунинг натичасида турли хилдаги жиноятларни содир этаётганликлари жамиятимизда қўплаб учрамоқда.

Шунинг учун ҳам ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг бундан кейинги босқичлари жамиятга глобал миқёсда фикрлай оладиган, турли хил сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятларда, ўз фикрини билдира оладиган, тараққийпарвар ғоялар ва мафкура билан қуролланган етук шахслар етказиб берилишини тақозо этади. Бундай шахсларнинг тарбиёлашда эса ота-оналар, жамоатчилик ҳамда ҳалқ таълими тизими асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-куватлаш ишларининг бош ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланади. Конституциянинг “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” деб номланган IX боб 42-моддасида “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қиласди” [1], дея таъкидланган.

Глобаллашув асри деб аталаётган бугунги кунда ёшларни тажовузкор ғоялардан асрар қолиша таълим ва тарбия омили муҳим аҳамият касб этади. Зоро, азалдан эзгу мақсадлар йўлида амалга оширилаётган мунтазам узлуксиз тарбия доимо ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиб келган.

Шунга кўра мамлакатимиз ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришни тартибга солувчи меъёрий хужжатларни ўрганиш ва шу орқали, маънавий-ахлоқий тарбия жараёнини тўғри ва мақсадли ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борада дастлаб, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли қарорини келтиришимиз ўринли саналади.

Мазкур қарорда “маънавий-маърифий ишларни таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда ҳавф-хатарларга қарши курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустахкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида вазирлик ва давлат хокимияти органларига фаолият йўналишлардан келиб чиқиб вазифалар белгилаб берилди” [3].

Шунингдек, 2019 йил 31 декабря Вазирлар Мажкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясининг мақсади - ёш авлодда мустақил ва баҳтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш, уни амалда рӯёбга чиқариш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш;
- оила, таълим муассасалари ва маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;
- маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши ҳисобланади. [3]

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Концепцияда ёшлар маънавий-ахлоқмий тарбиясининг тизимли босқичи ишлаб чиқилган бўлиб, бунг кўра мактабларда I-XI синфлар учун Тарбия фани ишлаб чиқилди ва 2020-2021-ўкув йилидан республикамиз таълим тизимида “Тарбия” фани фан сифатида ўқитила бошланди. Бу эса, узлуксиз маънавий тарбияни самарали амалга ошириш имконини беради. Мазкур фикрни юртбошимизнинг куйидаги фикрлари ҳам тўлиқ тасдиқлайди: “Донишманларнинг тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча баҳтли яшайди” деган қарашларига таяниш мухимлигини инобатга олиб, “Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [2]. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ўқувчи ёшларнинг таълим ва тарбияси канча мукаммал бўлса уларнинг жамият тараққиётидаги ислоҳотларга дахлдорлик туйғуларининг шаклланиши, Ватан олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажаришда ҳам мухим ўрин тутади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарори билан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Унга кўра, “Эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва

умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш, геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш” [5] шулар сирасига киради.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан мамлакатимиздаги ҳар бир умумтаълим муассасаларида 2021 йил 1 апрелдан (0,5 штат бирлиги) ижтимоий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди. Лавозимни жорий этилишидан қўзланган мақсад таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчи-ёшларни ижодий қобилияtlарини аниqlаш, уларни рўёбга чиқариш ҳамда янада ривожлантиришдан иборатdir.

## МУҲОКАМА

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май куни “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-241-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор Халқ таълим тизимда ўзига хос янгича ёндашув асосида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини жорий қилиш тизими яратилди.

Хусусан, “рейтинг доирасида ҳар ўқув йили якунида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мезонлар бўйича баҳолаб борилиши, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичлари асосида “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилиши ва рейтинг кўрсаткичлари асосида “қизил” тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилиш белгиланди” [6].

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки мамлакатимизнинг маънавий, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиши ёшларимизнинг билими, малака тажрибасига боғлиқ эканлигини чукур англаган ҳар томонлама етук ўзининг мустақил фикрига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларимизни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, ота-оналар, маҳаллалар, таълим муассасалари фаолиятини замон талабларига мос, ҳамда узлуксиз ва мунтазам равишда ҳамкорлигини таъминлашимиз лозим деб ўйлайман.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сони.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 504-505-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май куни “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-241-сонли қарори.